
КОРОНАВИРУС ҲАҚИДА ДУНЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

???? Коронавирусдан зарарланганларнинг умумий сони дунё миқёсида 1 миллиондан ортди, 218 771 бемор тузалди, 54 137 нафари вафот этган — John Hopkins University

(<https://coronavirus.jhu.edu/map.html>) Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Covid-19 қайд этилиш ҳолатлари ортаётганидан чуқур хавотирда — New York Times

(<https://www.nytimes.com/reuters/2020/04/02/world/asia/02reuters-health-coronavirus-who.html?searchResultPosition=4>)???????? Исроил соғлиқни сақлаш вазири Яков Лицман ва унинг рафиқаси коронавирус инфекциясини юктириб олишди, улар карантинга жойлаштирилди — Reuters

(<https://www.reuters.com/article/health-coronavirus-israel-idUSL8N2BQ1KY>)???????? Германия хусусий лабораториялар ёрдамида 1 миллион фуқарода Covid-19 мавжудлигини текшириш учун тест ўтказди — Bloomberg

(<https://www.bloomberg.com/news/articles/2020-04-02/private-labs-helped-germany-test-1-million-for-covid-19-virus>)???????? АҚШда ишсизлар сони 10 миллионга етди — Washington Post

(<https://www.washingtonpost.com/business/2020/04/02/jobless-march-coronavirus/>)???????? Испания коронавирусга қарши кураш бўйича қатъий чоралар эълон қилинганидан сўнг қарийб 900 000 ишчи ўрнини қисқартирди — BBC

(<https://www.bbc.com/news/world-europe-52131756>) Жаҳон давлатлари ижтимоий тармоқларда коронавирус ҳақидаги ёлғон ахборотларга қарши курашиш учун Facebook ва WhatsApp каби техник гигантлар билан кучларни бирлаштирмоқда — Reuters

(<https://www.reuters.com/article/us-health-coronavirus-africa-social-medi/african-governments-team-up-with-tech-giants-to-fight-coronavirus-lies-idUSKBN21K1DH>)???? Вируснинг тез тарқалиши билан бир қаторда ижтимоий тармоқларда Covid-19 ҳақида ёлғон маълумотларнинг кўпайиши кузатилмоқда — Reuters

(<https://www.reuters.com/article/us-health-coronavirus-africa-social-medi/african-governments-team-up-with-tech-giants-to-fight-coronavirus-lies-idUSKBN21K1DH>)???????? Юнонистон ҳукумати апрел ойи коронавирус тарқалишига қарши курашда муҳим ой бўлишини инobatга олган ҳолда, фуқароларни карантин тадбирларига риоя қилиш зарурлиги ҳақида огоҳлантирди — Reuters

(<https://www.reuters.com/article/us-health-coronavirus-greece-pm/greek-pm-warns-stay-at-home-or-we-will-pay-for-it-idUSKBN21K19J>)???????? БМТ ҳисоб-китобларига кўра, карантин натижасида 1,25 миллиард бола уйда, чунки давлатлар ўқув муассасаларини ёпишган. Бутун дунёда карантин вақтида ота-оналар пул ишлаш билан бирга болалар билан ҳам шуғулланиб, иккита вазифани бажаришмоқда — World Economic Forum

(<https://www.weforum.org/agenda/2020/04/coronavirus-education-homeschooling-teaching-creativity/>)???????? Корхоналар ходимларни ишдан бўшатишларини олдини олиш мақсадида Европа комиссияси режа таклиф қилди. Унга кўра, иш беручи иш ўринларини эмас, балки иш вақтини қисқартиради, ҳукумат эса ойлик маош орқали фарқини тўлайди — Reuters

(<https://www.reuters.com/article/us-health-coronavirus-eu/eu-announces-work-scheme-aid-for-farmers-fishermen-amid-coronavirus-pandemic-idUSKBN21K1AB>)???????? Португалия парламенти Covid-19 туфайли фавқулодда ҳолатнинг яна 15 кунга узайтирилишини маъқуллади. Мамлакатда коронавирусдан зарарланганлар 9034 нафар, улардан 209 таси вафот этган — National Post

(<https://nationalpost.com/pmnh/health-pmnh/portugal-extends-state-of-emergency-to-halt-spread-of-coronavirus>)???????? Қирғизистоннинг Ўш вилоятида коронавирусдан биринчи ўлим қайд этилди — News-Asia

(<http://www.news-asia.ru/view/accidents/13578>)???????? Австралия бош шифокори профессор Брендан Мерфининг тасдиқлашича, бутун дунёда коронавирусдан зарарланганларнинг ҳақиқий сони 5-10 миллионга яқин бўлиши мумкин — The Chronicle

(<https://www.thechronicle.com.au/news/true-number-of-cases-5-10-times-higher/3988461/>)???????? Филиппин президенти Родриго Дутерте полиция ва ҳарбийларга Covid-19 пандемияси сабаб жорий этилган чекловларни бузган, айниқса тартибсизлик келтириб чиқарганларни отишга рухсат берди — Bloomberg (<https://www.bloomberg.com/news/articles/2020-04-02/duterte-says-police-can-shoot-lockdown-protesters-if-they-fight>)

2020-04-03 18:56:26